Олимлар бу ҳадисдан хулоса қилган ҳолда таъкидлайдилар-ки, **"мўъмин киши кофирларга қарши жанг бошлаш борасида мутлақо озоддир"**. Айниқса ўз ҳаётини қутқариш борасида. Олимлар бу ҳадиснинг сахиҳлигига ва Абу Басирнинг ҳаракатлари ҳар бир мўъмин амал қилиши учун далил бўла олишига муттафиқ бўлишган. Агар дикқат қиласидан бўлсак, Абу Басирнинг жиҳодида юқорида айтилган "шартлар" бажарилганми? Уламолар ижмоёсига ва бу ҳадисга таянган ҳолда ишонч билан айта оламизки, Абу Басирнинг жиҳоди аввал ҳимоя, сўнгра эса ҳужум жиҳоди бўла туриб юқорида айтилган бешта нарсанинг биронтаси бажарилмаган. Росулуллоҳ эса буни тақрир қилдилар ва балки бу жиҳодга ишора ҳам қилдилар. Шунинг учун жиҳодни бошлашдан олдин бажариладиган биронта шартни катта уламолар кўрсатмаганлар. Улар шарт деяётган бу нарсалар жиҳод учун фазилат ва мукаммаллик бўлиши мумкин, лекин асло уни тўхтатиб турадиган омил бўла олмайди. Бу ислом душманларига қўл келадиган ботил фикрдан бошқа нарса эмас.

Аммо жиҳод қилиш давомида мужоҳиднинг амаллари қабул бўлишлиги учун Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўйидаги ҳадислари шарт бўла олади:

. Абу Довуд ва Насойи Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дейдилар:

"الْغُرُورُ غَرْوَانَ: فَإِمَّا مَنْ ابْتَغَى وَجْهَ اللَّهِ، وَأَطْعَمَ الْإِلَامَ، وَأَنْفَقَ الْكَرِيمَةَ، وَيَا سَرَّ الشَّرِيكِ،
وَاجْتَنَبَ الْفَسَادَ وَفَإِنْ نُوَمَهُ وَانْتَهَاهُ أَجْرُ كُلِّهِ. وَأَمَّا مَنْ غَزَا فَخَرَّاً وَرِيَاءً وَسَعْيَةً، وَعَصَى إِلَامَ، وَأَفْسَدَ فِي الْأَرْضِ، فَإِنَّهُ لَا
يَرْجُعُ بِالْكَفَافِ".

"Фазот икки хил бўлади:

- **Бир киши Аллоҳнинг ризоси учун ғазот қиласи ва жиҳоддаги амирига итоатда бўлади, қадрли нарсаларни инфоқ қиласи, шеригига оғирлигини туширмайди, балки ёрдам қиласи ва фасоддан ўзини тортади. Унинг уйқуси ҳам, огоҳлиги ҳам – ҳамма нарсаси ажрдир.**
- **Иккинчи бир киши фахр, риё-сумъа учун ғазот қиласи, амирига итоатда бўлмайди, ер юзида фасод ишларни қиласи. У ғазотдан бирор насибага эришмайди".¹¹**

Бундан ташқари мужоҳид ўз жиҳоди давомида жангларда тажовуз қилишдан ўзини четга олади. Бу ва бунга ўхшаш жиҳод аҳкомлари ва одобларини мужоҳидлар майдондаги ўз устозларидан ва китоблардан ўқиб ўрганадилар.

Хурматли биродаримиз Талиб! Илтимосингизга биноан адашган тоифаларнинг нотўғри фикрлари, жиҳоднинг шартлари ва ҳақ йўлда эканлигимизга доир баҳоли қудрат Қуръон оятлари, Ҳадиси шарифлар ва уламоларнинг ижмоъларидан ҳужжатланган ҳолда саволларингизга жавоб бердик. Яна ўзингизни шубҳалантирган бирон савол бўлса Аллоҳ учун бемалол бераверинг. Чунки сизнинг саволларингизга жавоб қидириш баҳона бизнинг ҳам илмларимиз зиёда бўлади ва бошқа ўқувчиларимиз ҳам бундан баҳраманд бўладилар.

Сўнгги дуомиз: **"Барча оламлар роббиси бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!"**.

3. Исломий давлатда сизларга қандай жазо берилади ёхуд қийинчиликлар ношаръий ишларни ҳалол қиласдими?

الحمد لله رب العالمين والصلوة والسلام على رسوله الأمين وبعد

Биродаримиз Abdulloh7777! Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ! Саволларингизга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиласдими. Саволингиз матнини ўз ҳолича келтирмоқдамиз:

Assalamu alaykum

*Nahotki sizlardan tashqari bari odamlar OMI bo`Isa.
Ulamolarni kofirlarning malaylari deb turibsiz.. Qani aytingchi agar islomiy davlatda
bo`Isangiz sizlarga Qanday JAZO beriladi???*
*chunki bunday aybni qoyish uchun dalil bo`lishi lozim.
aytishinglar mumkin "sizlar yotvolib jangdagilarni hato deyapsizlar" deb. U holda o`gri
savdogarga "san osongina pul topasan man esa kechalari yotmasdan, qiynalib pul
topaman" deyishi uning ishini HALOL qilasdimi???*
*Huddi shunday qiynalib mujohidlik yolidaman deyayotganlar ham gar shariat talablariga
javob bermas ekanlar XATO yo`lda bo`ladilar.
Togri yo`lda bo`Isangiz qani islam asosi bo`icha ilm berayotganingiz? qani tawhid, aqida,
fiqh haqida kitoblar??
Nahot ibn Baz, Usaymin, Alboniy, Favzon kabi ulamolar adashganu, hech kim
tanimaydigan, shariy asos keltirmasdan gapirgan kimsa Haq bo`Isa.
haq bo`lganda qani JIHOD SHARTLARI ni keltirib har biri borligini ko`rsatinglarchi!!!
Ilmingiz etadimi shunga???*
ETSA AGAR KUTIB QOLAMIZ JAVOBINI!!!

Биродаримиз Abdulloh7777! Биз ҳали сайтизинг бирон жойида биздан бошқа барча одамлар омидирлар деган гапни ёзганимиз йўқ. Бундай манманликка борищдан Аллоҳнинг Ўзи сақласин! Биз ўзимиз илмга муҳтож ва Аллоҳнинг илмларига фақир бўлган одамлармиз. Қани энди қўпроқ илим олишга имкониятларимиз бўлса! Аллоҳ илмимизни зиёда қиласин!

Аллоҳдан қўрқувчи уламоларни кофирларнинг малайлари дейишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Бўлиб ҳам, уммат тан олган кибор уламоларни. Биз нашрларимизда "уламолар кофирларнинг малайи" деган иборани ишлатганимиз йўқ. Балки ҳозирда Саъудия Арабистони ва бошқа номи исломий бўлган давлатларда баъзи уламоларнинг ҳукуматга қарамлиги ва уларнинг фатво чиқаришда озод эмаслиги ҳақидаги фикрлар бор. Бу қарамликни баъзи олимларнинг ўзлари ҳам тан олишган. Лекин шу билан бирга кофирларга малай бўлган ёмон олимлар ҳам борлигини ҳамма тан олади. Мисол учун собиқ Тунис ҳукуматининг ёлланма олимларини олайлик. Улар яқинда Тунис тоғутининг ағдарилгунига қадар минбарда туриб ўзларининг ҳар хутбаларида Тунис бош кофирига ҳамду-санолар айтишар эдилар. Бунга ўхшаш тоғут малайлари бошқа мамлакатларда йўқ деб ким айта олади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қиёматга яқин ёмон олимларнинг кўпайиши ва ҳатто улар Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан мусулмонларни тўсиши ҳақида очиқ-ойдин ҳадислар ривоят бўлган. Бу ҳадисларни мусулмон одам инкор қила оладими?! Шунингдек пайғамбарлар меросхўрлари бўлган тақводор уламолар ҳам мавжуд. Ҳатто тоғутий ҳукуматларга қарам бўлган тақводор уламолар борлигини ва уларнинг қўл остидан чиқиб кетишга ночор ҳолда ҳаёт кечираётганлигини ҳам инкор қила олмаймиз.

Албатта пайғамбарлар меросхўрлари бўлган тақводор уламоларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам, тарихда ҳам амал, яъни жиҳод майдонида бўлганлар. Илло бунга қурби етмай ва йўл ва имконият топа олмаётганлар бундан мустасно.

“Албатта мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан ўз жонларига жабр қилган қимсаларнинг жонларини олиш чофида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?» — деганларида: «Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик», дедилар. (Шунда фаришталар); «Ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)» — дейишиди. Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у!

Фақат бирон чора топишга қодир бўлмай, ҳижрат йўлини истаб топа олмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни шояд Аллоҳ авф этса. Зотан, Аллоҳ авф этгувчи, мағфират қилгувчи бўлган зотдир. Ким Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгчиликни топгай. Ким уйидан Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сари муҳожир бўлиб чиқиб, сўнг (шу йўлда) унга ўлим етса, муҳаққақи унинг ажри — мукофоти Аллоҳнинг зиммасига тушар. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир.” Нисо 97-100

Ulamolarni kofirlarning malaylari deb turibsiz.. Qani aytingchi agar islomiy davlatda bo`lsangiz sizlarga Qanday JAZO beriladi???
chunki bunday aybni qoyish uchun dalil bo`lishi lozim.

Саъудия уламоларини кофирларнинг малайлари демадик, аммо тоғутга қарам ва баъзиларини сарой олимлари дедик. Бунга далилларимиз бор. Тақводор кибор олимлардан шайх Усаймин, шайх ибн Боз, шайх Бакр ибн Абдуллоҳ абу Зайд ва Шайх Абдуллоҳ ибн Қаудлар хусусий сұхбатларда буни тан олганлар.

Қолаверса ёмон олимларни ёмон деганимиз учун шариат бизни жазоламайди, балки ёмон олимлар жазоланадилар. Шунинг учун ёмон олимлар шариат ҳукм сурган жойларга кела олмайдилар. Илло тавба қилсалар, Аллоҳ гуноҳларни кечгувчидир.

aytishinglar mumkin "sizlar yotvolib jangdagilarni hato deyapsizlar" deb. U holda o`gri savdogarga "san osongina pul topasan man esa kechalari yotmasdan, qiynalib pul topaman" deyishi uning ishini HALOL qiladimi???

Албатта ўғрининг бундай гапи унинг ишини ҳалол қилмайди. Худди баъзи бир одамларнинг кофирлар юртида сиқилиб, қийналиб юришлари, тоғу-тошлардаги Аллоҳ йўлидаги саёҳатда маза қилиб юрган мұжоҳидлар ҳақида қилган ғийбат ва иғволарини ҳалол қилмаганидек.

Huddi shunday qiyinalib mujohidlik yolidaman deyayotganlar ham gar shariat talablariga javob bermas ekanlar XATO yo`lida bo`ladilar.

Хурматли биродаримиз Abdulloh7777! Сизга ким айтди мұжоҳидлар қийналиб юрипти деб? Аксинча жиҳодимиз шариат талабларига мос эканига ва Аллоҳнинг буюк неъмати бўлган энг тўғри ва исломнинг чўққисида эканимизга кўнглимиз тўқ бўлганлиги учун ҳам қалбимиз иймон лаззатини тотган ҳолда мисли кўрилмаган роҳат-фароғатдамиз.

Togri yo`lida bo`lsangiz qani islom asosi bo`icha ilm berayotganingiz? qani tawhid, aqida, fiqh haqida kitoblar??

Бу ерга келсангиз ислом асоси бўйича таълим берадиганимизга албатта гувоҳ бўласиз. Жомеъа, мадраса ва марказларимизда тавҳид, ақида, сийрат, фиқҳ ва бошқа исломий илмлар таълими йўлга қўйилган. Китоблар борасида ҳеч қандай ғамимиз йўқ. Ҳеч ерда топилмайдиган ноёб китоблар ва бутун бир мактабаларни бу ерда жуда осон ва арzon топса бўлади. Агар сайтни

Мужоҳид Отсиз Чавандоз жавоблари

назарда тутаётган бўлсангиз, сиз айтган мавзудаги китоблар оз бўлсада бор. Биз аввал бошда "sodiqlar.narod.ru" сайтизига ўзбек, рус ва тоҷик тилларидаги бутун бир саҳиҳ исломий кутубхоналарни киритган эдик. Дунёда минглаб одамлар бу китобларни ўз компьютерларига юклаб олганлар. Аммо бу сайтизинг коғирлар томонидан ёпиб қўйилиши билан у китоблар ҳам йўқ бўлди. Ҳозирги сайтизига ҳам аста-секин у китобларни қўйиб боряпмиз. Интернет муаммоси бу ерда катта муаммо бўлганлиги учун бир йўла ҳаммасини қўйишга имкониятимиз йўқ. Шунинг учун бу борада маъзур тутасиз деб ўйлайман. Қолаверса бошқа исломий сайтларда бошқа исломий китоблар кўп бўлганлиги учун бизнинг сайтиздан мухлислар кўпроқ бошқа жойларда топилмайдиган жиҳодий ва сиёсий материалларни талаб қилишади. Биз эса шуларни инобатга олган ҳолда бир кишининг эмас, балки омманинг талабларига жавоб беришга интиlamиз.

Nahot ibn Baz, Usaymin, Albonyi, Favzon kabi ulamolar adashganu, hech kim tanimaydigan, shariy asos keltirmasdan gapirgan kimsa Haq bo`Isa.

Бу уламоларни мутлак адашган деган фикрдан йироқмиз. Айниқса шайх Усаймин, шайх ибн Боз ва шайх Албонийларнинг исломга қилган фойдаларини эътироф этамиш ва таълимда уларнинг асрларидан ҳам фойдаланамиз. Лекин биз тасаввуф тоифалари сингари олимларни бутунлай хатодан пок ва маъсум деб эътиқод ҳам қилмаймиз ва у ким бўлишидан қатъи назар унинг шахсий фикларини Қуръон, Суннат ва ижмоъга солиширамиз. Буларга мувофиқ фикрларни қабул қиласиз, зид фикрларни эса қабул қилмаймиз.

shariy asos keltirmasdan gapirgan kimsa Haq bo`Isa

Албатта шаръий асос келтирмаган кимса ҳар доим ҳам ҳақ бўлавермайди.

Лекин сиз бу ерда назарда тутган кимса Отсиз Чавандоз ўз мақоласида шаръий асос келтирган. Қуръон, Суннат ва ижмоъ шаръий асос бўлмаса, ундан бошқа шаръий асосдан хабаримиз йўқ. Бизнингча Отсиз Чавандоз ҳам Қуръон, Суннат ва ижмоъдан бошқа шаръий асосни билмаса керак. Чунки у ҳам аҳли сунна салафи солиҳлар йўлидадир ва Муржиъалар шаръий асос деб биладиган баъзи уламоларнинг фатволарини билмаса керак!

haq bo`lganda qani JIHOD SHARTLARI ni keltirib har biri borligini ko`rsatinglarchi!!!

Ilmingiz etadimi shunga???

ETSA AGAR KUTIB QOLAMIZ JAVOBINI!!!

Албатта аввалбошдан илмимиз камлигини эътироф этганимиз. Илмга ташнамиз ва муҳтоҗмиз. Шунинг учун ҳам аҳли илмлар билан маслаҳатлашган ҳолда охирги саволингизга мос саволга ба ҳоли қудрат жавоб берганимиз.

Хурматли биродаримиз Abdulloh7777! Яна ўзингизни шубҳалантирган бирон савол бўлса Аллоҳ учун бемалол бераверинг. Чунки сизнинг саволларингизга жавоб қидириш баҳона бизнинг ҳам илмларимиз зиёда бўлади ва бошқа ўқувчиларимиз ҳам бундан баҳраманд бўладилар.

Сўнгги дуомиз: "**Барча оламлар роббиси бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!**".

4. Ҳаворижларнинг сифатлари ҳозирги мўжоҳидларда мавжудми, ёхуд янги муржиъаларнинг асоссиз айловлари.

«Отсиз Чавандознинг мўжоҳидлар ҳақида Робеъ Мадхалийнинг издошлари тарқатаётган иғволарга жавоби» деган мақолага сайтимиз меҳмони Abdulloh7777 тарафидан бир неча мулоҳазалар берилган. Баъзи бирларига Abdulloh7777, баъзиларига эса Talib исми нисбат берилган бу мулоҳазалар ўзининг мўжоҳидларга нисбатан иғво, тұхмат ва нафратга тұлалиги билан сайтимиз ахли сунна мұхлислари ўртасида ҳар-хил норозилик, эътиroz ва баҳсларга сабаб бўлмоқда. Шу сабабдан баъзи зиёратчиларимиз унинг мулоҳазаларидан ғазабланган ҳолатда “У мунофиқ бўлиши мумкин”, “У СНБ лайчасига ўхшаяпти” каби ибораларни қўлламоқдалар. Аммо инсоннинг зоҳирида куфрнинг баъзи аломатлари очиқ кўринмагунча уни такfir қилиш нотўри бўлади. Шунингдек нифоқнинг барча аломатлари бир одамда зоҳир бўлмагунча уни мунофиқ деб бўлмайди. Албатта закий биродарларимиз буни назардан қочирмаяптилар.

Сайтимиз мұхлисларини Қуръони Каримнинг Ҳужурот сураси 6-18-оятларидаги Аллоҳ таолонинг каломларини яхшилаб ўқиб тааммул қилишга чақираман:

(Маъноси)

6. Эй мүминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда, бирон қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилган ишларингизга афсус-надомат чекиб қолмасликларингиз учун (у фосиқ кимса олиб келган хабарни) аниқлаб-текшириб кўринглар!
7. Ва билингларки, ораларингизда Аллоҳнинг Росули бор. Агар у кўп иш(лар) дан сизларга (иймони комил бўлмаган жоҳил кимсаларга) бўйинсунса, (яъни Аллоҳ томонидан ваҳий нозил бўлишини кутмасдан сизлар келтирган хабарларга ишонадиган бўлса), албатта сизлар бало-мусибатларга дучор бўлур эдингизлар. Лекин Аллоҳ сизларга (иймони комил, тақво имтиҳонидан ўтган зотларга иймонни суюкли қилди ва уни дилларингизга чиройли кўрсатди ҳамда сизларга куфрни, (Аллоҳ ва Росулга) итоатсизликни ва исённи ёмон кўрсатиб қўйди. Ана ўшаларгина (яъни иймон йўлида событиядам бўлиб, куфр-исённи ёмон кўрган кишиларгина), Тўғри йўлга юргувчи зотлардир.
8. (Бу) Аллоҳ томонидан бўлган фазлу марҳамат ва неъматдир. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир.
9. (Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар, дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирори иккинчисининг устига тажовуз қилса, бас то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасиниadolat билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом)adolat қилинглар! Зоро Аллоҳadolat қилгувчиларни суюр.
10. Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Аллоҳдан қўрқинглар — шояд У зот томонидан бўладиган раҳматга эришсангизлар.
11. Эй мўминлар, (сизлардан бўлган) бир қавм (бошқа) бир (мўмин) қавмдан масхара қилиб кулмасин — эҳтимолки, (ўша масхара қилинган қавм) улардан яхшироқ бўлсалар. Яна (сизлардан бўлган) аёллар ҳам (бошқа мўмина) аёлларга (масхара қилиб кулмасинлар) эҳтимолки, (ўша масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлсалар. Ўзларингизни (яъни, бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва

бир-бирларингизга лақаблар қўйиб олманглар! Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш (яъни мўмин кишининг юқорида манъ қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши) нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса, ана ўшалар золим кимсаларниңг ўзидирлар.

12. Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни фийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган фийбатни ҳам ёмон кўрингиз)! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир.

Мазкур маънодаги ояти каримада мўминлар жамиятдаги тартиб-интизомни издан чиқарадиган ва меҳр-оқибат йўқолиб кетишига сабаб бўладиган уч иллатдан қайтарилилар. Булардан биринчиси, ўзгалар ҳақида ёмон гумон қилиш, иккинчиси, бировларнинг айбларини ахтариб топиш учун орқаларидан жосуслик-айғоқчилик қилиб юришдир. Шариати Исломияда шахснинг зоҳирда қилаётган иш-амали ва айтган сўзи мўътабардир. Яъни, масалан бир кишининг муайян бир айб ё жиноятга дахлдор эканлигига аниқ ҳужжат бўлмас экан, унинг ўша айб ё жиноятда гумон қилиниши ҳаромдир. Фақат унинг мунофиқлиги ёки хоинлиги аниқ бўлиб қолган тақдирдагина у ҳақда ёмон гумон қилиш ва ундан ҳазар қилиш вожибdir, Чунки Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганиларидек: «**Мўмин киши бир тешикдан (яъни унда яшириниб ётган илон ё чаёндан) икки марта чақтиримайди**».

Юқоридаги маънодаги оятда яна фийбатдан қайтарилиди. Фийбат ўзи нима? Бу тўғрида Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «**Фийбат — биродарингнинг ортидан ўзи эшишиб қолса хафа бўладиган айб-нуқсонини айтишингдир**». Демак бир мўминнинг ортидан унда бўлмаган айбларни унга нисбат бериш фийбат эмас, балки унинг ҳақига бўхтон ва туҳмат бўлар экан, унда бўлган айбларни ортидан айтиш эса уни сифатлаш эмас, балки фийбат қилиш бўлар экин. Энди фийбатнинг нақадар оғир гуноҳ эканлиги хусусида мазкур оятда Аллоҳ таоло томонидан келтирилган мисол ибратлидир. Чунки ақл-ҳуши жойида бўлган бирон инсон бошқа бир инсоннинг гўштини ейишни истамайди. Энди агар ўша инсон ўзининг биродари бўлсачи, яна камига ўлган ҳолда бўлса-чи! Унинг гўштини ейиш дунёдаги энг ваҳший ҳайвон ҳам ҳазар қиласиган бир жиноятдир! Бир мўминнинг ортидан фийбат қилиш ана ўшандан-да оғирроқ жиноятдир! Шунинг учун ҳам Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Фийбат қилиш (бировни ноҳақ) ўлдиришдан-да ёмонроқдир**», деганлар.

13. Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ назидаги энг ҳурматлирагингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир.

Ушбу маънодаги оятда Ислом динининг инсоният оламига нисбатан бўлган кўз қараши баён этилгандир: Биринчидан, барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандлариридир. Иккинчидан, инсонларнинг турли эл-уругларга бўлиншилари бир-бирлари билан ер ёки мол-дунё талашиб уруш-жанжал билан умр ўтказишлари учун эмас, балки бир-бирлари билан танишиб, ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ўzlari халифа бўлган заминни обод қилишлари учундир. Ва ниҳоят учинчидан одамларнинг Аллоҳ таоло хузурида обрў-эътиборли бўлишлари мол-дунё ёки олийнасаб билан эмас, балки Аллоҳдан қўрқиш ва У зот нозил қилган амр-фармонларга итоат этиш билан бўлур.

14. Аъробийлар: «Иймон келтирдик», дедилар. (Эй Мұҳаммад, уларга) айтинг: «Сизлар иймон келтиргандарингиз йўқ, лекин сизлар «Бўйинсундик», денглар, (чунки ҳали-ҳануз) иймон дилларингизга кирган эмасдир. Агар сизлар Аллоҳга ва Унинг Росулига итоат этсангизлар, У зот сизларга (қилган яхши) амалларингиздан (яъни уларнинг савобидан) бирон нарсани камитмас. Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир».

15. **Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ ва Унинг Росулига иймон келтириб, сўнгра (ҳеч қандай) шак-шубҳа қилмаган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлардир. Ана ўшаларгина (ўз иймонларида) содик бўлган зотлардир.**
16. Эй Мұхаммад, у аъробийларга айтинг: «Сизлар Аллоҳга динингларни (иймонларинга ҳақиқий эканлигини) билдиromoқчимисизлар?! Ҳолбуки Аллоҳ осмонлардаги ва ердаги бор нарсани билур. Аллоҳ барча нарсани билгувчиdir!»
17. Улар сизга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. Айтинг: «Сизлар менга мусулмон бўлганларингизни миннат қилманглар. Балки агар (иймонингларда) содик бўлсангизлар, Аллоҳ сизларни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур.
18. **Албатта Аллоҳ осмонлар ва Ердаги ғайб-сирларни билур.**

Росууллоҳ коллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни мусулмон биродарлари ҳақида ёмон гумон қилишдан қайтаргандар. Чунки гумон ҳақдан бирон нарсани ифода этмайди. Биз Аллоҳнинг оятлари ва Росууллоҳнинг суннатлари билан инсонларга насиҳат қиласиз, албатта ўзимиз ҳам унга амал қилмоғимиз зарурдир. Шу боис сайтимиз меҳмони Abdulloh7777 (Talib)нинг мулоҳазаларида ҳам қўлимиздан келганча яхши гумон билан ёндошишга ҳаракат қиласиз. Гарчи унинг фикрларида ҳақ ва ботил фикрларнинг аралашиб, мужоҳидлар ҳақида нафрат тўла сўzlар, асоссиз айбловлар, бир-бирига зид фиклар учраб турсада, унинг "shoyad hato qilgan bo` Isam Sizlar togirlar qoysangiz" деган сўzlари унинг қалбида иймон йилтиллаб турганига далолат қилиб турибди.

Биз ундан ва у каби содда биродарлардан тоинки улардан очиқ куфр ва нифоқ аломатлари зоҳир бўлмагунича яхши гумонда бўламиз. Чунки бизга маълумки, бошқа тоифалар сингари Мадхалий издошларининг манҳажи ҳам аниқ бир дастур ва қоидалар асосига қурилган. Шулардадан бири - кучли тақлид. Мадхалийнинг издошлари мазҳаб уламоларига тақлид қилишни қаттиқ қоралаган ҳолатда, ўз уламоларига жуда қаттиқ тақлид қиласилар, ҳаттоқи бунга исломий ҳужжат зид бўлса ҳам. Бирон бир масала тўғрисида уларни исломий ҳужжат эмас, балки кўпроқ уламоларнинг фикрлари қизиқтиради. Бу уларда кўринган маълум ва машҳур жиҳатлардандир. Айнан шу тақлид жиҳати Мадхалий ва унга ўхшаш олимларнинг кўплаб издошларини ҳақдан тўсиб туради. Албатта уларнинг китобларида уларнинг бу жиҳатига оид баъзи ҳужжатлар ҳам келтирилади.

Аммо аҳли сунна олимларининг бу соҳадаги тадқиқотлари бўйича Мадхалий издошларининг ҳужжат қоим қилиш бўйича манҳажида ҳам аҳли суннаникidan фарқли жиҳатлар борлиги кўплаб кузатилган. Шулардан бири аҳли сунна вал-жамоа аввал ҳужжатни ўқиб, сўнгра бунга амал қилишга ҳаракат қилишади. Мадхалий ва унинг издошлари эса баъзида аввал бир амални ёки эътиқодни қилиб, сўнгра бунга яраша ҳужжат қидиришади. Худди шунингдек бирорни айблаш борасида ҳам аҳли сунна вал-жамоа аввал Қуръон, Суннат ва ижмоъдан ёмон хислатлар ва маъсият ишлар ҳақида билиб, сўнг бу маъсият эгаларидан эҳтиёт бўладилар, уларнинг бу ишларини ёмон кўрадилар ва наҳийи анил-мункар қиласилар. Мадхалий ва унинг издошлари эса аввал бир инсон ёки инсонлар тоифасини ёмон кўриб, сўнг уларнинг ҳар бир хатоларини Қуръон ва Суннатдаги баъзи наsslар билан исботламоқчи бўладилар. Албатта улар бу гапларни ҳам асоссиз дейишлари мумкин. Лекин шуни олдиндан айтамизки, бу гапларни биз аҳли сунна вал-жамоа олимларининг кўп йиллик тадқиқотлariга асосланиб айтмоқдамиз.

Улардаги айнан шу жиҳатлар баъзи уларнинг таъсирига тушиб қолган содда мусулмонларни ўраб, ҳақдан тўсиб турган бўлса керак. Шунинг учун биз улар билан мунозарада улардаги шу ва шунга ўхшаш жиҳатларни эътиборга олмоғимиз ва улардан бир йўла жуда ёмон гумон қилмасдан, аввал уларни ҳақдан тўсиб турган жиҳатларни гўзал суратда олиб ташламоғимиз лозим бўлади. Шояд Аллоҳ тавфиқ бериб, хатоларини тушунсалар. Албатта ҳидоят Аллоҳнинг мулкидир ва уни Ўзи хоҳлаган бандаларига беради.

Яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоизки, улардан мунозара қилаётганлари тавба қилиб ўз хунук даъволаридан қайтмаган ҳолатда ҳам, бу мунозаралар кўплаб мусулмонларни уларнинг ботил даъволаридан огох бўлишга олиб келиши мумкин. Албатта ҳақ ва ботил ўртасидаги мунозаралар кўпчиликнинг кўзи очилишига сабаб бўлади. Бўлиб ҳам ҳозирги кунда ўзбек мусулмонлари ўртасида янги муржиња тоифаси деб аталаётган бундай кишиларга қарши раддия ва жавоб беришлик жуда суст ва бунинг ўзига хос сабаблари бор бўлган ҳолатда. Ҳозирги кунда янги муржињалар деб аталаётган Мадхалий, Халабий ва Убайкан кабиларнинг издошлари мусулмонлар ўртасида жуда кучли даъват ишларини олиб бораётгани, уларнинг даъватлари нафсга жуда ёқимли эканлиги билан кўпчиликни алдаб қўяётгани, уларга бу даъватлари йўлида жуда кўп имкониятлар берилгани, баъзи ТВ ва радио каналлари, босмахона ва нашриётлар ҳамда хилма-хил интернет воситалари уларнинг хизматида эканлиги кўпчиликка сир эмас.

Шунинг учун уларнинг таъсирига тушиб қолган содда мусулмонларнинг сайтимизда қолдираётган шубҳаларига жавоб қидириш баҳона аввало ўзимизнинг илмимиз ва ҳақ йўлдаги саботимиз зиёда бўлса ва бошқаларнинг ҳам кўзлари очилса Аллоҳга чексиз ҳамду-санолар айтамиз.

Сайтимиз меҳмони Abdulloh7777 (Talib)нинг мулоҳазаларига қайтадиган бўлсак, улардан қўлимиздан келганча яхши гумонда бўлишга, ҳамда ҳақ ва ботил фикрлар ўртасидаги чегарани аниқлаштиришга ҳаракат қиласиз.

Қўйида унинг Ресулуллоҳ, сахобалар ва уммат уламоларига нисбат қилинган фикрлари берилган бўлиб, уни ўз ҳолича эътиборингизга ҳавола қиласиз:

Ресулуллоҳ соллалоҳу алайхи вассаллам, сахобалар ва бу уммат уламолари томонидан тавсифланган Хавориж фирмасининг таркалган аломатлари:

- 1. Улар мусулмонларни катта гунохлари сабаб куфрда айблайдилар.**
- 2. Улар билан ҳам фикр булмаган мусулмонларни куфрда айблаб, жонлари ва молларини халол хисоблайдилар.**
- 3. Улар конуний амирга карши кузолон кутаришни халол санайдилар.**
- 4. Улар амирларнинг гунохларини ахтариб ҳамманинг олдида очик коралайдилар, бу билан ҳалкни тартибсизлик, бебошликка чорлайдилар.**
- 5. Улар одамларнинг ниятлари ва калбини билишликни даъво киладилар.**
- 6. Узлари ҳакида яхши, бошқалар ҳакида ёмон гумон киладилар.**
- 7. Улар аслида ундей булмаган нарсани яхши деб хисоблайдилар. Мусулмонлар яшайдиган диёрни куфр мамлакати(дорул куфр) дейдилар.**
- 8. Улар кофиirlар диёрларида ашайдилар.**
- 9. Улар уз ақидалари, манхажларини тури деб курсатиш учун бир маънога эга булмаган ва шухали хужжатларни ишлатадилар.**
- 10. Улар ибодат ва зоҳидликда нихоятда айратли булишлари мумкин.**
- 11. Улар ёш ва беаклдирлар.**
- 12. Улар жиход ва катарикларнинг узгариши каби жарангли шиорлар ва олийжаноб чакириклар остида беркинадилар.**
- 13. Соч киришлик уларнинг аломатларидан.**
- 14. Улар уламоларни коралайдилар ва куфрда айблайдилар.**
- 15. Уларнинг каторида ҳакикий олимларнинг йуклиги.**
- 16. Уз ниятларига эришиш учун ёлондан фойдаланадилар.**
- 17. Улар тез-тез уз фикрларини узгартириб турадилар.**
- 18. Улар мусулмонлар билан тинчликка келишган кофиirlарни улдириш улдиришни халол санайдилар.**

19. Улар теракт амалиётларини ҳалол санайдилар.

Энди эса бу ерда келтирилган сифатлардан ҳозирги мужоҳидларнинг пок эканлигини таъкидлаган ҳолда ,бу сифатларни бирма-бир таҳқиқ қилишни бошлаймиз .

1. Улар мусулмонларни катта гунохлари сабаб қуфрда айблайдилар.

Ха, хавориж тоифалари ўзларининг айнан шу эътиқодлари билан машҳурдирлар. Лекин мужоҳидлар янги муржиъалар таъкидлаётганидек асло мусулмонларни катта гунохлар сабабли қуфрда айбламайдилар. Улар бундан безордирлар. Чунки айнан шундай сифатли одамларнинг душман маҳсус хизматлари мужоҳидлар ичига киритганилиги туфайли яқин тарихдаги кўплаб исломий жамиятлар пароканда бўлиб кетган. Бунга мисол қилиб ўтган асрда Жазоирда шакланган улкан мужоҳидлар жамоасининг пароканда бўлиб кетганини олишимиз мумкин. 3000 атрофидаги мужоҳидлардан ташкил топган бу груҳ қўғирчоқ Жазоир ҳукумати ва унинг ортида турган Францияга катта таҳдид соларди. Душман бу таҳдидни йўқотиш учун уларнинг ичига "мусулмонларни гунохлари сабаб қуфрда айблаш" ўргатилган маҳсус одамни киргиздилар. Натижада унинг бу юқумли фикрлари мужоҳидлар ўртасида вабо сингари тарқалди ва мужоҳидлар бир-бирларини такfir қила бошладилар. Минглаб мужоҳидлардан иборат кучли жамоат пароканда бўлиб кетди. Бу иш токи Аллоҳнинг ёрдами билан бу мунофиқ ушланиб, ҳамма қилмишларига иқрор бўлгунига қадар давом этди. Айнан шу воқея сабаб мужоҳидларнинг кўзи очилди. Чунки "**Мўъмин одам бир тешикдан икки марта чақтиримайди**".

Ҳозирги кунда мужоҳидлар ўртасида илм ҳалқаларида ақида дарсларига муҳим эътибор қаратилади. Хусусан такfir ва Аллоҳ учун муҳаббат-нафрат масалалари жуда батафсил ўргатилади. Уларга ибн Таймия, ибнул-Қоййум, ибн Абдулваҳҳоб ва бошқа салаф уламоларининг ақидавий ва бошқа китобларидан илм дарслари ташкил қилинади.

Шу ўринда айтамизки, янги муржиъалардан бўлмиш Мадхалий ва унинг маслақдошлари мужоҳидларни хаворижларнинг бу такfir сифати билан бўхтоний айблашлари билан бир қаторда, ўзлари уммат тан олган Ҳасан Банно, Саид Қутб, Муҳаммад Қутб, Абул-Аъло Мавдудий, Абдурраҳмон ибн Абдулхолик Юсуф каби юзлаб уламоларни қуфрда айблашлари ажабланарли ҳолатдир.

2. Улар билан ҳам фикр булмаган мусулмонларни қуфрда айблаб, жонлари ва молларини ҳалол ҳисоблайдилар.

Аллоҳ сақласин! Хаворижларнинг бу сифати билан мужоҳидларни айблашлик ақлли одамнинг иши эмас. Чунки ақлли бўлишганда ҳеч бўлмаса "Нега уларга шунчалик асоссиз маломатларни қилсан ҳам, бизни биродар деб аташяпти, бизнинг молларимиз ва жонимизни ҳалол ҳисобламаятилар" деб фикрлаган бўлардилар. Ёки агар мужоҳидларнинг кучлари ўнлаб, йигирмалаб тан кўриқчиларига эга бўлган малъун тоғутларни ўлдиришга етади-ю, бу тоғутларнинг найрангига ўзи ҳам билиб-бilmай ўйнаётган оддий кишиларни ўлдириб кетишга етмайдими? Асло, бундай эмас. Мужоҳидлар ҳужжат қойим бўлмагунча, қуфр ва исломга душманлик аломатлари очиқ зоҳир бўлмагунча, бирорвнинг моли ва жонини ҳалол санашдан Аллоҳдан қўрқадилар.

3. Улар қонуний амирга карши кузолон кутаришни ҳалол санайдилар.

4. Улар амирларнинг гунохларини ахтариб ҳамманинг олдида очик коралайдилар, бу билан ҳалкни тартибсизлик, бебошликка чорлайдилар.

Албатта қонуний амирга қарши қўзғолон кўтариш манфур амаллардан ҳисобланади. Мужоҳидларни хаворижларнинг бу сифати билан айблашлик ҳам жуда нотўридир. Лекин янги муржиъалар қонуний деганда нимани назарда тутмоқдалар. Агар улар кофирлар томонидан

Мужоҳид Отсиз Чавандоз жавоблари

тузилган халқаро дунё қонунларини назарда тутаётган бўлсалар жуда тўғри айтибдилар ва бу мужоҳидлар учун тухмат эмас. Чунки мужоҳидлар фақат Аллоҳнинг қонунларинигина қонун сифатида тан оладилар. Тоғутий қонунлар бўйича қонуний бўлиб олган “амир”ларни эса ноқонуний ҳисоблайдилар. Мужоҳидларнинг қонуний амирлари Аллоҳнинг ҳукмини ер юзида олий қилиш учун ҳаракат қилаётган Аллоҳдангина кўркувчи, Аллоҳнинг буйруқларига буюриб, Унинг қайтариқларидан қайтарувчи амирлардир. Мужоҳидлар токи куфр бу амирларда зохир бўлмас экан уларга қарши қўзғолонни ҳаром ҳисоблайдилар.

Аҳли сунна вал-жамоа исломда бўлиб, ўз ишига салоҳиятли бўлган ҳар қандай амирга итоатда бўлишга чақиради, шунингдек куфри зохир бўлган ҳар қандай амирни, гарчи у ҳақда бутун дунё тазкия берган бўлса ҳам ва бутун дунё уни қонуний ҳисобласа ҳам итоат қилишдан қайтаради. **“Зеро кофирлар учун мўъминлар устидан ҳукмронлик йўқ.”**

Исломда амирлик борасида биринчи навбатда ақидага қаралади, асло тазкиялар ва куфр томонидан берилган легалликка эмас.

Лекин не ажабки исломда қонуний ҳисобланадиган бундай амирларга қарши янги муржиъаларнинг ўзлари фитна ва қўзғолон қилмоқдалар. Ва аксинча исломда ноқонуний бўлган, инсонлар томонидан тўқиб чиқарилган қонунлар асосида қонуний бўлиб олган қирол ва президентларни ўзларига амир ҳисоблаб, гўёки Аллоҳга исённи ҳалол санамоқдалар.

“Бас, ким тоғутга кофир бўлиб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам халқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир.” Бақара сураси 256-оят маъноси.

5. Улар одамларнинг ниятлари ва калбини билишликни даъво қиласидилар.

Хаворижларнинг бундай даъволари бўлиши мумкин, лекин мужоҳидлар бу даъвони рад қиласидилар, чунки ғайбни билиш Аллоҳгагина лойиқ сифатdir.

Ислом зоҳирга қараб ҳукм чиқаришга буюради. Шунингдек бир одамнинг куфри очиқ кўриниб турган ҳолда, баъзиларга ўхшаб **“унинг қалбида иймони бўлиши мумкин-ку, уни кофир дейишга ҳаққимиз йўқ”** ҳам демайди. Аслида бундай дейидиганлар ғайбни билишни даъво қилаётганга ўхшайди.

6. Узлари ҳакида яхши, бошқалар ҳакида ёмон гумон қиласидилар.

Хаворижларда зоҳир бўлган бу сифатларни мужоҳидларга нисбатлашнинг ўзи “Ўзлари ҳакида яхши, бошқалар ҳакида ёмон гумон қилиш”дан бошқа нарса эмас.

Гўёки ўзларида бундай сифат йўқдек. Аслида эса бу сифат имони суст бўлган ҳар бир мусулмонда топилиши мумкин. Агар бу сифат туфайли бирорвни хавориж дейиш ўринли бўлса, биринчи навбатда Мадхалий ва унинг маслакдошлари Хавориж бўларди.

7. Улар аслида ундай булмаган нарсанни яхши деб ҳисоблайдилар. Мусулмонлар яшайдиган диёрни куфр мамлакати (дорул куфр) дейдилар.

Яхши бўлмаган нарсанни яхши деб ҳисоблаш нафақат хаворижларга, балки бутун инсониятга хосдир. Афтидан мужоҳидларга нисбатланган хаворижларнинг бу “сифат”ини янги муржиъаларнинг ўзлари кашф қилганлар шекилли, чунки хаворижларнинг бу сифатига оид бирон нассни топиш қийин. Олдин эслатиб ўтганимиздек янги муржиъалар аввал бир инсонни ёмон кўриб, кейин унинг ёмон сифатларини қидирадилар. Лекин бу сифат ҳам жуда кўп иймони ва тақвоси суст инсонларда учрайди.

Аллоҳ таоло айтади: **“Сизларга ёқмаса-да, жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсанни ёқтираслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган**

нарсанни яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз." Бақара сураси 216-ояти маъноси.

Бунинг давомидаги "Мусулмонлар яшайдиган диёрни куфр мамлакати (дорул куфр) дейдилар "деган айбни ҳам ўзлари ихтиро қилганлари кўриниб турибди .Чунки Шайх Усома ибн Ладен Саъудия Арабистонидаги тоғутий қонунларни инкор қилганидан сўнг унга нисбатан" Хавориж "лақаби қўйилган эди .

Ислом эса бирон бир юртни Дорул-куфр ёки дорул-ислом дейишдан олдин у ерда кимнинг ҳукми ижро этилаётганига қарайди .Аллоҳнингми ёки тоғутнингми?! Ҳозирги кунда кофирлар томонидан ҳарбий ёки маънавий истило қилиниб ,сўнгра гўёки" мустақиллик "берилган" истон-истон"ларнинг деярли ҳар бирида миллионлаб мусулмонлар яшасада ,лекин куфр калимаси олийдир .Аллоҳнинг қонунлари эса у ердаги ҳукмрон табақа томонидан оёқ ости қилингандир . Мусулмон ҳалқ куфр ҳукми остида зулм чекмоқда .Бу юртларда асло ислом олий эмас .Энди қандай қилиб бу юртлар дорул-ислом бўлсин?! Ҳўш унда бир савол :Мадхалий ва унинг маслақдошлари айтсинлар-чи ,ҳозирги кунда саҳюният ҳукмронлик қилаётган Франция ҳам Дорул-исломми?! Ахир у ер ҳам ўзларининг таъбири билан айтганда миллионлаб "**Мусулмонлар яшайдиган диёр**"-ку!

8. Улар кофирлар диёрларида ашайдилар.

Хаворижларнинг бу сифатлари мужоҳидларга эмас, балки ўзларига жуда жуда тўғри келишини ўзлари ҳам инкор қилолмасалар керак. Ёки бу борада ҳам тап тортмасдан "Бизлар Арабистон, Иордания, Миср, ... , Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон каби ислом олий бўлган юртларда яшаймиз, мужоҳидлар эса ўзларига тегишли бўлган кичик минтақаларга билангида хосланган кофир диёрларда яшайдилар" дейдиларми?! Буёфи энди инсофга боғлиқ.

9. Улар уз ақидалари, манҳажларини тури деб курсатиш учун бир маънога эга бўлмаган ва шубҳали ҳужжатларни ишлатадилар.

Бу ерда меҳмонимиз "тури деб курсатиш учун" деган ибора аслида "тўғри деб кўрсатиш учун" ва "шубҳали ҳужжатларни" деганда "шубҳали ҳужжатларни" деган иборани назарда тутган бўлсалар керак.

Хуллас бу иборани тўлиғича "Улар ўз ақидалари, манҳажларини тўғри деб кўрсатиш учун бир маънога эга бўлмаган ва шубҳали ҳужжатларни ишлатадилар" деб тушундик.

Агар хаворижлар ҳақида тўқиб чиқарилган бу сифатлар ҳам мужоҳидларга қаратилган бўлса, уларга савол билан мурожаат қиласиз: Биз келтирган қайси ҳужжат маънога эга эмас ва шубҳали экан? Маънога эга бўлмаган ёки шубҳали ҳужжат ҳам бўладими. Агар улар ўзлари ҳужжат сифатида келтирадиган уламоларнинг фатволари ёки тазкияларини назарда тутган бўлса, унда айтамизки, биз уламоларнинг фатволарини ва тазкияларини ҳужжат деб келтирмаймиз, чунки ҳужжат бу: Қуръон, Суннат ва Ижмоъ. Уламоларнинг фатволари ва тазкиялари эса баъзида тўғри, баъзида эса ўзлари айтгандай маъносиз ва шубҳали бўлиши мумкин. Чунки ҳеч бир инсон хатодан ҳоли эмас. Агар улар асл маънодаги ҳужжатни назарда тутаётган бўлсалар унда айтсинлар, қайси оят, қайси ҳадис, уламолар қилган қайси ижмоъ "маънога эга бўлмаган ва шубҳали"дир. Астағфируллоҳ, бу ўз-ўзини фош қилишдан бошқа нарса эмас.

10. Улар ибодат ва зоҳидликда нихоятда айратли булишлари мумкин.

Ҳа, албатта биз билган мужоҳидларнинг жуда кўпчилиги ибодат ва зуҳдда жуда ғайратлидирлар. Уларнинг жуда кўпини кечалари номозда қойим, кундузлари эса рўзада сойим ҳолда топасиз. Шунингдек улар бир-бирларининг хизматларига жуда ҳарис, тақво ва хулқда эмас.

Мужоҳид Отсиз Чавандоз жавоблари

бири-биридан гўзал. Турмушлари жуда оддий, амир билан оддий мужоҳидни ажрата олмайсиз. Кофирларга нафратли ва мўъминларга хокисордирлар. Аммо улар бу сифатларни хаворижлардан олмаганлар. Улар бу гўзал сифатларни намунамиз бўлган Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан олганлар. Жиҳод майдонларига келмай туриб ўзини мужоҳид деб санаб юрганлар ҳақида бир нарса деёлмайман, лекин жиҳод майдонидагиларнинг аксари шундай.

"(Эй мўминлар), сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг Росули (иймон-эътиқоди ва хулқи атвori)да гўзал ибрат бордир." Аҳзоб сураси 21-оят маъноси.

11. Улар ёш ва беаклдирлар.

Хаворижлар ҳақида шундай дейиш мумкиндир. Лекин бутун борлигини Роббиси Розилиги учун фидо қилиш учун чиқсан мужоҳидлар ҳақида бу сифатларни айтишликтининг ўзи беакллик аломатидир.

Тўғри мужоҳидларнинг ичида ёшлари ҳам бор, лекин уларнинг аксари камида икки фарзандга соҳиб оиласи инсонлардир. Агар рақамлар билан ифодалаш жоиз бўлса, мужоҳидларнинг тақрибан 20 фоизи 17-25 ёшидаги ёшлар, тақрибан 20 фоизи 50 ёшдан 100 ёшгача бўлган қарилар, қолган тақрибан 60 фоизи эса эс-хуши жойида бўлган ўрта ёшлилар ҳисобланади. Лекин ҳидоят ёшу-қарини танламайди. Чунки Саодат асрининг ilk паллалари Росууллоҳга асосан ёшлар иймон келтирганлар.

Уларнинг мужоҳидларга қаратилган Улар ёш ва беаклдирлар деган "хужжат"ининг ўзи ўзларининг таъбири билан айтганда "маънога эга бўлмаган ва шубҳали" эмасми!?

12. Улар жиҳод ва катарикларнинг узгариши каби жарангли шиорлар ва олийжаноб чақириклар остида беркинадилар.

Хаворижларга нисбатан айтилган бу сифатлар ҳам ўзлари томонидан тўқиб чиқарилган. Чунки Росууллоҳ ва саҳобаларнинг ўзлари ҳам жиҳод қилишган ва у пайтда жангни ҳеч ким инкор эта олмаган. У пайтда ҳамма саҳобалар жиҳодда қатнашганлиги учун жиҳод бу жарангли шиор ҳисобланмаган балки унга бошқа ибодатлар қаторидаги бир ибодат сифатида қарашган.

Энди ҳозирги ҳолатни айтадиган бўлсак, жиҳод қилган одам террорист деб аталаётган бўлса, жиҳод аксарият наздида энг катта жиноят ҳисобланса, қандай қилиб жиҳодни биз ўзимизга жарангли шиор ва олийжаноб чақириқ дея оламизу, унинг ортига беркинамиз. Бу ҳозир дунёвий маънода беркинадиган ва паноҳ бўладиган чақириқ эмас-ку. Аксинча жиҳод деётганлар ушлаб ўлдирилаётган ва қамалаётган бўлса. Агар бу жиҳод Аллоҳнинг буйруғи бўлмаганида кимга зарур эди бунчалик машаққату, дард-алам. Янги муржиъаларнинг бу айбловларидан бирон бир мантиқ топа олмадик. Албатта бу улар каби ҳаддан ортиқ ақлимиз бўлмаганидан бўлса керак. Бу ердаги "катарикларнинг узгариши" деган иборани эса ақлимиз камлиги учун ҳеч тушуна олмадик. "Қайтариқларнинг ўзгариши"микан демоқчи бўлдигу, лекин бошқача бўлса-чи, деган андешада бу фикримиздан қайтдик.

13. Соҳиришилик уларнинг аломатларидан.

Бўлиши мумкин, хаворижлар ҳақида айтилган бу сифатга бир нима дея олмаймиз, ҳар ҳолда хужжатлари бўлса керак деб яхши гумон қиласиз. Аммо бу мужоҳидларга асло тўғри келмайди. Буни мужоҳидлар билан урушаётган кофирлар ҳам тасдиқлади. Агар бизга ишонмасангиз ўшалардан сўрай қолинг. Жангларда Аллоҳ душманларининг қалбига қўркув солишда мужоҳидларнинг елка баробаридаги узун соchlari ва чиройли соқолларининг ўз ўрни борлигини Аллоҳ душманларининг ўзлари ҳам ёзишмоқда. Фақат сиз кофирларнинг киноларини кўрманг, кофирлар кинода қаҳрамон, жангда эса қўрқоқдирлар.

14. Улар уламоларни коралайдилар ва куфрда айблайдилар.

Энди бу сифатда Мадхалий ва унинг издошлари Хаворижлар билан ҳаммаслақдирлар. Улар ахли суннанинг юзлаб олимларини такфир қилган ҳолатда мужоҳидларга нисбатан бу айни қўллашдан уялсалар бўларди. Тавҳид калимасини олий қилиш учун яшаб, умри охирида кофиirlар осиб ўлдираётганда тавҳид калимасини айтиб жон берганига минглаб одамлар гувоҳ бўлган Саид Қутбдек олимни маҳфий тарзда кофирга чиқарганлар, Аллоҳдан қўрқсингарлар.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Кимнинг охирги сўзи "Лаа илаҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур-Росууллоҳ" бўлса жаннатга киради дедилар.

Шунингдек мужоҳид биродарларимиз ичидан ҳам шаҳодат неъмати насиб бўлганларини кўрдик ва кўплаб ростгўй одамлар бунга гувоҳ бўлмоқдалар, уларнинг охирги калималари тавҳид калимаси бўлди, улар шаҳид бўлганда катта-катта даралар ёқимли миск ҳидига тўлиб кетди. Хўш "жаҳаннам итлари" деб таърифланган манфур хаворижларда бундай ҳолат кузатилганми?!

Энди уламолар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг ичida ҳам яхшилари ва ёмонлари бор. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қиёматга яқин жаҳаннам дарвозаларига чақирувчи амалсиз ёмон олимлар кўпайиши билан огоҳлантирганлар. Бу бизнинг гапимиз эмас, бунга ҳадис гувоҳ. Шундай бўла туриб биз ҳали бирон олимни кофири демадик. Сарой олими дедик, тоғутларга қарам дедик, лекин кофири ё мунофиқ деган калимани ишлатмадик. Ҳақиқий озод олимларни эса Мадхалий маслақдошлари сингари куфрда айблаш ўёқда турсин ҳатто ноўрин айблашдан ҳам Аллоҳдан қўрқамиз. Албатта биз ҳеч бир инсонни Аллоҳ олдида покламаймиз ва гуноҳсиз ҳам демаймиз, лекин айбларини ёйиб юбориш ҳам уммат учун заарли деб ҳисоблаймиз. Аллоҳ билиб-бilmай қилган хато ва камчиликларимизни кечирсин!

15. Уларнинг каторида ҳақиқий олимларнинг йўклиги.

Бу сифат ҳам хаворижларга тегишли бўлиши мумкин, лекин асло мужоҳидларга тегишли эмас. Биргина Афғонистон жиҳодида қатнашган ва қатнашаётган араб олимларининг ўзидан 100лаб уламоларни санашимиз мумкин. Уларнинг кўплари ислом умматида маълум, маъруф, машҳур ва маҳбуб. Ислом оламида минглаб, ҳатто миллионлаб толиби илмлар ва мусулмонлар уларнинг китобларини севиб ўқийдилар, дарс қиласидилар ва маъruzalарини эшитадилар. Улар ҳақиқий олимлар деганда тоғут тан олган олимларни тушунишлари мумкин, лекин биз ҳақиқий олимлар деганда Аллоҳ мақтаган, Росууллоҳ таъриф берган ва уммат яхши кўрган тақводор ва илмига амал қилувчи олимларни тушунамиз. Ҳамма гап ҳам шунда.

16. Уз ниятларига эришиш учун ёлондан фойдаланадилар.

17. Улар тез-тез уз фикрларини узгартириб турадилар.

Бу иккала сифат ҳам хаворижлар билан бир қаторда янги муржиъаларда кузатилмоқда. Чунки ёлғондан фойдаланган одам ёлғони фош бўлганда ўзини оқлаш учун ўз фикрини қисман бўлсада ўзгартиришга мажбур бўлади. Улар билан мунозараларда бунга амин бўлдик. Улардаги шийъаларникуга ўхшаш түқийя сифатининг ўзи катта ёлғондир. Улар ҳатто ўзларининг сафига энди кирган мусулмонларга ҳам түқийя қиласидилар, яъни ўзларидаги хатарли эътиқод ва фикрларни яширадилар ва унинг ўрнига бошқа нарсаларни айтадилар. Қачонки ўша мусулмон муржиъача эътиқодида мустаҳкам бўлиб, ундан қайтмайдиган даражага етгач, сўнgra кўпчиликка ғаройиб туюладиган эътиқод ва фикрларини ҳам секин-секин оча бошлайдилар. Бу уларда кузатилган бор ҳақиқат, лекин бундай түқийя шариъатда ҳаромдир. Балки буни уларнинг сафидаги кўплаб кишилар билмаслиги мумкин, лекин бу исбот қилинган нарсалардир. Бунга мисол қилиб муржиъа вакилларининг ахли сунна вакиллари билан қилган мунозараларида очилиб қолган ҳақиқатларни келтиришимиз мумкин. Лекин бу мақола бу мисолларнинг ўрни эмас, уни ҳам ўз ўрни келганда келтирамиз, иншааллоҳ.

Мужоҳидлар эса бундай жирканч ишлардан покдирлар. Бундан фойда ҳам йўқ. Чунки мужоҳидлар Аллоҳнинг розилиги учун бутун борлиқларини ташлаб чиққанлар. Даъват қилсалар ҳам Аллоҳнинг розилиги учун қиласидилар. Ёлғон билан Аллоҳнинг розилигига эришиб бўладими, ёки ёлғон билан иш қиласа уларга бирон фойда, пул ёки мансаб ваъда қилинганми. Йўқ, асло. Уларга Аллоҳнинг розилиги ва жаннатдан бошқа ҳеч нарса ваъда қилинмаган. Қайси ахмоқ беш, ўн, йигирма йиллаб йиққан ажрларини битта ёлғон билан совуришни хоҳлайди. Жиход майдонида бундай ахмоқ бўлмаса керак, валлоҳу аълам!

18. Улар мусулмонлар билан тинчликка келишган кофирларни улдиришни ҳалол санайдилар.

Бу ҳам хаворижларнинг сифати бўлиши мумкин, лекин бу айб мужоҳидларга ёпишмайди.

Муржиња тоифалари куфр давлатларидан олинган паспорт ва визани ўша давлат билан тинчлик шартномаси деб ҳисоблайдилар. Улар ҳатто юртларини истило қилган кофирлар билан ҳам тинчлик шартномаси тузганмиз деб ҳисоблайдилар. Бу шартномани кимлар имзолаган, унинг шартлари нимадан иборат деган саволга эса жавоб бермайдилар. Исломда эса истилочи билан тинчлик келишувига боришлик хоинлик ҳисобланади. Фараз қилинг, душман уйингизга бостириб кирди, ота-онангизни қийнаб ўлдирди, сўнgra чарчаб уйингизнинг бир хонасига кириб дам олмоқчи бўлди ва сиз билан вақтинчалик урушмай турайлик, эрталаб уйқудан турсак яна урушамиз, унгача тинчликка келишайлик деса қайси ахмоқ рози бўлади? Рози бўлган тақдирда ҳам бу шаръий келишув бўладими? Ёки бўлмасам қўрқоқ ва хоин бўлган катта фарзанднинг кофир билан қилган сулҳи бошқа фарзанларга ҳам таалуқли бўладими? Йўқ асло, босқинчи билан тинчлик шартномаси қилишлик бу даюслик билан баробардир.

Жиход бутун дунё мусулмонларига омматан фарз бўлган бир пайтда токи душман мусулмонлар юртларидан тўлалигича чиқиб кетиб, бу юртларда ислом тантана қилмас экан улар билан тинчлик шартномаси тузиш ҳаром ва хоинликдир.

Бунга Қуръон, Суннат ва ижмоъ далолат қиласиди. Шунингдек бундай ҳолатда бир хоин амирнинг бутун мусулмонлар номидан кофирлар билан келишувида бошқа мусулмонлар масъул бўлмайдилар. Яъни бундай келишувнинг бошқа мусулмонлар учун кучи йўқ.

Мадхалий ва унинг маслакдошлари Ҳудайбия сулҳини ҳужжат деб келтирадилар, лекин Ҳудайбия сулҳи бу ерда ҳужжат бўлмайди. Чунки Ҳудайбия сулҳи тузилган вақтда кофир ва мушриклар ягона Ислом давлати бўлмиш Мадинани босиб олмаган эдилар. Шунингдек жанг қилиш учун ҳам мусулмонлар нисбатан заиф эдилар. Куч тўплаш учун эса вақт керак эди. Ҳатто Аллоҳ мусулмонларнинг қўллари баланд бўлган ҳолатда ҳам сулҳ тузишдан қайтарган. Жанг қилиш, жиход фарзи айн бўлганда сулҳга бало борми?!

Уламоларнинг ижмоъсига кўра кофирлар билан сулҳ қачонки жиход фарзи кифоя бўлиб турганда, мусулмонлар кофирлар ерларини фатҳ қилишга вақтинча ожиз бўлиб қолгандагина тузилиши мумкин, бошқа ҳолатларда эса тузиб бўлмайди деганлар.

19. Улар теракт амалиётларини ҳалол санайдилар.

Бу айбловлар ҳам мужоҳидларни айблаш учун атай тўқиб чиқарилгани маълум бўлиб турибди. Чунки Росууллоҳ, сахобалар ва тобеинлар даврида теракт амалиётлари деган сўзларнинг ўзи йўқ эди. Мадхалий ва унинг маслакдошлари эса бу сўзларни Росууллоҳ ва сахобаларга нисбат бериб навбатдаги ёлғонни ишлатганлар. (Мулоҳаза сарлавҳаси: **Расууллоҳ соллалоҳу алайхи вассаллам, сахобалар ва бу уммат уламолари томонидан тавсифланган Хавориж фирмасининг таркалган аломатлари**)

Агар улар теракт амалиётлари деганда жангда улуши бўлмаган оддий тинч аҳолини ўлдириш, қийнаш ва гаровга олишни назарда тутаётган бўлсалар, бу сифат мужоҳидларда эмас, балки АҚШ ва Истроил бошлиқ босқинчиларда мавжудлигини ҳозирги кунда ҳатто инсофли кофирилар ҳам эътироф этишмоқда. Дунё саҳюнийлигига тегишли кино ва газета-журналларда мужоҳидлар оддий одамларни қийнаётган, ўлдираётган, кофирилар эса уларни мужоҳидлар қўлидан қаҳрамонларча озод қилаётган қилиб тасвирланади, лекин булар ҳақиқат эмас. Ҳақиқатни эса мазлум Афғон, Ироқ ва Фаластин халқидан эшитинг. Улар ёлғон сўйламайдилар.

Агар Мадхалий ва унинг маслақдошлари теракт деганда ислом ва мусулмонларга қарши аёвсиз курашаётган ташкилотларни портлатиш, куфрнинг бошлиқларини ўлдириб кетиш ва ислом душманларига катта зарар берадиган бошқа амалиётларни назарда тутган бўлсалар, биз баралла айтамиз-ки, бу ишлар нафақат ҳалол, балки фарзи айнdir. Аллоҳ таоло айтади:

“Бас, қачон уруш ҳаром қилинган ойлар чиқса, мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни кузатиб турингиз!” Тавба сураси5 -оят маъноси.

“Қасамки, агар мунофиқлар, дилларида мараз бўлган кимсалар ва Мадинада мишиш тарқатиб юрувчилар (ўз қилмишларидан) тўхтамасалар, албатта Биз сизни уларга қарши оёқлантиurmиз, сўнgra улар (Мадинада) сиз билан бирга тура олмай қолурлар, магар лаънатга дучор бўлган ҳолларида озгина (вақт тура олурлар холос), (У пайтда) улар қаерда топилсалар ушланурлар ва ўлдириб ташланурлар. (Бу) илгари ўтган зотлар ҳақидаги Аллоҳнинг йўли-қонунидир. Аллоҳнинг йўлини эса ҳаргиз ўзгартира олмассиз.” Аҳзоб сураси 60-62 оятлар маъноси.

“Уларни топган жойингизда ўлдирингиз ва сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам қувиб чиқарингиз! (Одамларни) алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир.” Бақара сураси 191-оят маъноси.

